

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мудирлар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Доцент

Даволаш факультетига қарашли “2-сон болалар касалликлари” кафедраси

Катта ўқитувчилар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Педагогика ва психология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Клиник фармакология” кафедраси

Даволаш факультетига

Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

қарашли “ЛОП ва стоматология” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

Ассистентлар

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ва ХДЖ” кафедраси



ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ, МАСЪУЛИЯТИМИЗ ЯНАДА ОШИДИ

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш, мутахассислар масъулиятини оширишга йўналтирилган тизимли чоралар кўриляпти.

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатларга кўра, демографик ўзгаришлар ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш истиқболларини прогностлаш, аҳоли саломатлиги ва касалланиши ҳолатини комплекс таҳлил қилиш чоралари кўрилади. Амалий сайёҳаракатлар жамоат соғлиқини сақлаш устуворлиги, касалликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж хизмати ва фуқароларни уйма-уй юриб кўриб чиқиш, одамларнинг соғлом турмуш кечирishi, тиббий маданияти ошишига хизмат қилади.

Аҳолини дори воситалари, тиббий буюмлар ва техникалар билан таъминлаш, давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, уларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга руҳсат этилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани имконияти чекланганлар қаторида биз мутахассисларни ҳам қувонтиради.

Президентимиз қароридан тиббий таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш устидан услубий раҳбарликни таъминлаш орқали тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш

ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди. Бу айни кўнглидаги гап, десам, муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари тиббий ташкилотлар менежменти кўникмасига ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган замонавий мутахассисларни жалб қилишга қаратилган бошқарув кадрларини тайёрлаш, танлаб олиш ва жой-жойига қўйишининг мутлақо янги тизимини яратишни таклиф қилди. Бу соҳа мутахассисларидан ҳам ўз устида мунтазам ишлашни талаб этади.

Келгусида инновация ва “электрон соғлиқни сақлаш” тизимини татбиқ этиш, мажбурий тиббий суғурта дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, тиббий туризм ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш борасидаги вазифаларни бажариш зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

Фуқароларнинг тиббий хизмат кўрсатиш сифатидан қаноатлангани мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимининг татбиқ этилиши тиббиётимизда ўсиш, такомиллаштиришнинг белгиси бўлади.

Ушбу вазифалар фақат қоғозда эмас, балки амалиётда бажарилсагина натижа бериши, шубҳасиз. Энди туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, касалликлар профилактикаси, диспансеризация, патронаж ва уйма-уй юриш бўйича тадбирларни самарали амалга ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда масъул бўлади.

Бу биргина раҳбар қўлидаги иш эмаслиги маълум. Бинобарин, жамоа, фуқароларнинг ўзи ҳам бу юкни ҳис қилиши лозим.

Лазиз ТУЙЧИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори



ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз устоз ва талаба ёшлар! Сизларни қутлуг қадамлар билан кириб келаётган Янги – 2019 йил билан чин дилдан табриклайман.

Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаб, йил давомида яхши кайфият ва омад сизларни асло тарк этмасин! Ойлангизга бахту саодат, хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака аримасин!

2018 йилда юртимиз ҳаётида яхши кунлар, улкан ютуқлар ва марралар кўп бўлди. Шу ўринда тарих саҳифаларидан жой олаётган 2018 йил академиямиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни берди. Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик, ижобий ютуқларга эришилди. Қувонарлиси янгидан-янги илмий тадқиқотлар ва ихтирочилик ишлари республикамиз жамоатчилиги эътиборини қозонди. Маънавият ва маърифат, маданият ва спорт соҳасида қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳам ўзига хос салмоққа эга.

Академиямизда таҳсил олувчи талаба-ёшларнинг ютуқлари билан бирга, Президент, Ибн Сино ва бошқа номдор стипендиантларнинг кўплаб чиққани ҳам олиб борилаётган тизимли ишларнинг самараси десак, муболага бўлмайди.

Қутлуг қадамлар билан кириб келаётган 2019 йилда ҳам академиямиз жамоаси катта-катта режаларни амалга ошириш, бир қатор хайрли тадбирларни ўтказишни мўлжалламоқда.

Қадрли устозлар, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар кириб келаётган Янги – 2019 йилда сизга ва оила аъзоларингизга меҳнат фаолиятида, ўқишда, жамоат ишларида ҳамшира бахт ва омад ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан!

Илмий, ижодий, ўқишдаги фаолият ва интилишларингизда муваффақиятлар тилайман. Сихат-саломатлик, шоду хуррамлик, бахту саодат барчамизга йўлдош бўлсин.

Янги йилнинг муборак бўлсин, муҳтарам академиямиз жамоаси, қадрли профессор-ўқитувчилар ва талабалар!

Л.ТУЙЧИЕВ,

Тошкент тиббиёт академияси ректори

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



Эзгулик измида кимки ўй сурар,
Босган ҳар қадами бахтга бўйсунар.



ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ БУРЧ



Мамлакатимиз Қуrolли Кучларида ўтказилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматнинг аҳамияти ва нуфузи юксалмоқда. Ҳарбий хизматчи ёшлар учун нафақат конституциявий бурчини адо этиш, шу билан бирга, жамиятдаги ўз ўрнини онгли, ҳар томонлама ўйлаган ҳолда танлаш, миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида ўзига жалб қилувчи шарафли ва масъулиятли ишга айланди. Зеро, мустақил Ватанни, халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишдан муҳим ва масъулиятли вазифа йўқ.

Биз Қуrolли Кучларда хизмат қилишни шарафли бурч деб атаймиз. Чунки она юртни ҳимоя қилиш қадим-қадимдан шарафли иш, деб ҳисоблаб келинган. Бу билан халқ ва давлат томонидан Ватан ҳимояси бўйича фуқароларга алоҳида масъулият юкланган. Конституциямизнинг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикасини ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”, деган сўзлар битилган. Ватан ҳимоячиси олдига Конституцияси қўяётган вазифалардан ҳам шарафли ва масъулиятли вазифа бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Бундай вазифаларни бажариш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг шарафли бурчидир.

Биз Қуrolли Кучларда хизмат қилишни шарафли ва муқаддас деб атаймиз. Ҳа, бу тамомла тўғридир. Негаки дунёда ўз муқаддас ерини, мустақил Ватанини, ўз халқини ҳимоя қилишдан ҳам улурроқ муҳимроқ ва муқаддасроқ бирон нарса бўлса? Бу шунинг учун ҳам муқаддас-ки унда, яъни ҳарбий хизматда халқнинг, республика раҳбарияти, мамлакат Президентининг жуда катта ишончи ифодаланади.

Ҳарбий хизматни доимо мардлик ва ватанпарварлик мактаби, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактаби деб атаганлар. Ва бу мактаб ҳарбий хизматнинг ибтидоси – ўз ҳарбий мутахассислигини эгаллаш, ҳарбий интизом моҳияти ва ҳарбий низомлар талабларини тушуниб олиш, Ҳарбий қасамёда белгиланган ўз ҳарбий бурчини англашдан бошланади. Шу билан бир вақтда, ҳарбий хизмат ёшларга ўз иродасини шакллантириш, юқори инсоний сифатларни эгаллаш, ҳар томонлама жисмоний ривожланиш ва ақлий қобилиятларини намоён этиш учун

имкониятлар яратади. Бугун шунинг фахр ва ғурур билан айта оламизки Қуrolли Кучлар сафидаги ўғлонлар юксак ақлзаковати, интеллектуал салоҳияти, ўз халқига садоқати каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини мамлакатимизда улкан тантаналар билан нишонланиши ўз тақдирини она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчини адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларни юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти йўлидаги эзгу ишларга янада руҳлантиради

Яқинда байрамини нишонлашга тайёрланаётган Ўзбекистон Қуrolли Кучлари эса унинг метин кўргони ва мустаҳкам посбонидир. Байрамингиз кутлуг бўлсин, овоз Ватан посбонлари!..

ВАТАН МУҚАДДАС...

Ватанни англаш – унинг муқаддаслигини англашдан бошланади.

Ватан таърифида кўп сўзлар айтилган, айтилмоқда ва келажакда айтилиши ҳам муқаррар. Зеро ҳар бир авлод, ҳар бир инсон, аввало, ўзини англаш учун ўз қалбига, ўз илдизларига боқаркан, шу тариқа Ватанни ҳам чуқурроқ англай бошлайди. Демакки, ҳар бир янги кун Ватан ҳақидаги янги бир ҳикматни англашимизга имкон беради. Ўзимизни чуқурроқ билиб борганимиз сари она юрт, ота макон, киндик қони тўкилган тупроқ, бизни аждодлар била боғлаган руҳий-маънавий ришталар ҳақида ҳам кўпроқ ўйлай бошлаймиз. Қалбимизни шу азиз Ватан билан боғланган жон томиримиз ҳақида фикр қиламиз. Энг аввало англаган ҳақиқатимиз “муқаддас” деган калом бўлади.

Она муқаддас.

Бешик муқаддас.

Ватан муқаддас...

Муқаддас хилқатларни эса инсон ғоят авайлайди, азиз билади, уларга гард юқтирмасликка интилади. Кўз қорачиғидек асрайди. Буюк аждодларимиздан бизга ибрат ва мерос бу хислат...

Ватан – ор-номуссан иймоний хилқат,

Жасорат яралган асли сен учун.

Ватан борлиғимсан, жонимга пайванд,

Пойинда жон бермоқ бахт эрур тўқин.

Шу азиз Ватаннинг эрки, озодлиги, бахти йўлида не-не мард ўғлонлари жон фидо этганини, жондан кечганини эслар эканмиз, улар олдигаги бурчимиз, қарздорлигимиз яққол аён бўлади. Бизларни униб, ўстирган, бешигимиз ва онамиз бўлмиш шу муқаддас юртни, унинг эрку озодлигини энди кўз қорачиғидай авайлаб, келажакка эсон-омон етказиш бизнинг ворислик бурчимиздир.

Ватан сарҳадларининг дахлсизлиги, турмушимизнинг фаровонлиги, тинчлигимизнинг барқарорлиги, фарзандларимизнинг матонатли боболаримизга хос фидойилигига боғлиқлигига амин бўласан. Демак, яқдиллик, халқ, миллат, юрт манфаати йўлида “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш” барча эзгу ниятларимизнинг гарови эканлигини англайсан.

Шундай бир ҳикматли гап бор: Жа-вонмардлик ниҳояти йўлида жондан кеч-ишга тайёр туриш, фидойи қалб эгаси бўлишдир. Хусрав Дехлавий ёзадилар:

Олтин-кумуш ҳади этувчи мардлар кўп,

Жонни фидо этиувчилар марддир, мард!

Кошифий

Шу боис ҳам жонимиздан азизроқдир бу муборак маскан...

Азизбек АСАДОВ,
подполковник



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҲАРБИЙ-ТИББИЁТ
ФАКУЛЬТЕТИГА ЎҚИШГА

МАРҲАМАТ!



Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июль кундаги 203-сонли Қарори асосида ташкил этилган.

Факультетнинг асосий мақсади:

-тиббий хизмат офицерлари тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил этиш;
-Қуrolли Кучларнинг тиббий таркиби ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
-ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш.

Факультетнинг асосий вазифалари:

-юқори интеллектуал салоҳиятга эга тиббиёт хизмати офицерларини тайёрлаш;
-резерв ва захира тиббиёт хизмати офицерларини тайёрлаш;
-Қуrolли Кучлар тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

Ҳарбий врачлар тайёрлаш курслари курсантларини танлаб олиш тартиби:

Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим муассасаларининг «Даволаш иши» йўналиши бўйича ўқишнинг тўртинчи курсини тамомлаган, танлов асосида ҳарбий-касбий танловдан ўтган талабалар факультет курсантлари этиб қабул қилинади.

Номзодларни танлаб олиш комиссияси таркиби Мудофаа вазирининг буйруғи билан эълон қилинади. Факультет бошлиги қабул комиссиясининг раиси этиб тайинланади. Танлов факультет базасида июль ойида ўтказилади.

Номзодларни танлаб олишга қўйиладиган асосий талаблар:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги;
- факультетда ўқишни давом эттириш хоҳиши тўғрисида шахсий аризаси (факультет бошлиги номига);
- ҳарбий хизматга яроқлилиги;
- факультетда ўқишни тамомлагандан сўнг 5 (беш) йил муддатда Қуrolли Кучларда ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти олиниши;
- трифланган адабиётлар ва иккинчи шакл бўйича буюмлар билан ишлашга руҳсат берилганлиги.

Номзодларни танлаб олишнинг асосий мезонлари:

- тиббий текширув натижалари (бўй-180 см; вазн-70 кг);
- умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш кўрсаткичлари:
тезлик машқи (югуртиш-100 м) (сек):
15,0 (3 баҳо), 14,4 (4 баҳо), 14,0 (5 баҳо);
чидамлик машқи (хросс-3000 м) (мин):
14,00 (3 баҳо), 13,20 (4 баҳо), 12,40 (5 баҳо);
куч машқи (турникка тортилиш) (марта):
8 (3 баҳо), 10 (4 баҳо), 12 (5 баҳо).
- психологик тест синовлари натижалари;
- умумкасбий фанлар бўйича тест синовлари орқали интеллектуал қобилиятларини баҳолаш натижалари.

Курсантларга бериладиган имтиёзлар:


-бепул ётоқхона (2 ўринли);
-уч маҳал бепул иссиқ овқат;
-фаслга қараб бепул ҳарбий кийим-кечаклар;
пул таъминоти (степендия):
- қониқарли баҳога ўқиган курсантларга – 522 232 сўм;
- яхши баҳога ўқиган курсантларга – 594 972 сўм;
- аъло баҳога ўқиган курсантларга – 684 964 сўм.
- давлат транспортларидан бепул фойдаланиш;
- ҳарбий даволаш муассасаларида бепул даволаниш;
-қишги 15 кунлик ва ёзги 30 кунлик таътил;
-ёзги таътилда темирйўл транспоридан ва давлат автобусларидан бепул фойдаланиш.

Ўқишни тамомлагандан кейинги имтиёзлар:

-амалдаги қонулар асосида турар жой билан таъминлаш ёки ижарада турганлиги учун пул компенсацияси (квартира пули).
-эгаллаб турган лавозими ва ҳарбий унвонига кўра пул таъминоти (маош);
-моддий рағбарлантириш фондидан ойлик пул мукофотлари;
-ўтган календар йил учун янги йилнинг январь ойида бир марта тўланадиган моддий рағбарлантириш (икки ойлик маоши миқдориди);
-биринчи уч йил хизмати учун ва ҳар икки йилда бир марта тўланадиган моддий рағбарлантириш (икки ойлик маоши миқдориди);
-озик-овқат таъминоти ўрнига пул компенсацияси (ҳар ойи уч минимал иш ҳақи миқдориди);
-бепул ҳарбий кийим-кечаклар;
-ҳарбий даволаш муассасаларида бепул даволаниш, санаторияларда имтиёзли (25%ти тўлов) дам олиш;
-ҳар йили 30 кунлик таътил, таътил ўтказиш жойига давлат транспортларида бепул бориб-келиш;
-10 йил хизмат қилгандан кейин ҳарбий хизматдан олдинги институтда ўқиш даври (5 йил) ҳарбий хизмат стажига қўшилиши.

Факультет битирувчиларга «Ҳарбий врач (даволаш иши)» малакаси берилган ҳолда олий маълумот тўғрисидаги диплом тошпирилади.

Факультет манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Зиёдилар кўчаси, 4-уй.



ТТА бўйича декабрь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Турсунова Лайло Дилшатовна	28.12.1986	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
2	Исраилов Бахтияр Нематович	27.12.1967	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ассистенти
3	Турдиева Муяссар Эрназаровна	25.12.1985	Психиатрия ва наркологиya кафедраси ассистенти
4	Юсупова Дилноза Бахтияровна	16.12.1988	Онкология кафедраси ассистенти
5	Узоқова Манзура Комиловна	14.12.1984	1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистенти
6	Нуритдинова Нигора Батировна	20.12.1974	1-сон ички касалликлар кафедраси доценти
7	Каримов Маъриф Шакирович	06.12.1968	Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси соатбой муdiri, профессор
8	Усманов Хожиаббар Собирович	25.12.1974	Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси ассистенти
9	Қосимов Улуғбек Курмасович	08.12.1967	Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси доценти
10	Абдиева Юлдуз Атакуловна	04.12.1964	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
11	Сагатова Дилноза Рахматовна	26.12.1973	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
12	Хакимов Мурод Шавкатович	14.12.1972	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлиги кафедраси муdiri, профессор
13	Халиков Сарвар Пулатович	21.12.1976	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлиги кафедраси ассистенти
14	Исроилова Нигора Амануллаевна	07.12.1975	1-сон болалар касалликлар кафедраси ассистенти
15	Эргашев Улуғбек Муродович	09.12.1973	ЛОП ва стоматология кафедраси ассистенти
16	Халимова Ханифа Мухсимовна	13.12.1948	Неврология кафедраси профессори
17	Муратов Фахмитдин Хайритдинович	24.12.1963	Неврология кафедраси профессори
18	Шермухамедова Феруза Кабуловна	27.12.1978	Неврология кафедраси ассистенти
19	Кангилбаева Гузал Еркиновна	31.12.1969	Офтальмология кафедраси ассистенти
20	Миркамилов Элдор Мирқодир ўғли	24.12.1987	Офтальмология кафедраси ассистенти
21	Юсупова Никола Шавкатовна	08.12.1969	Анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси
22	Касимов Сафожон Самигджанович	02.12.1987	Урология кафедраси ассистенти
23	Шогазатова Барно Хабибуллаевна	16.12.1961	2-сон ички касалликлар кафедраси профессори
24	Нажмутдинова Дилорам Қамаритдиновна	01.12.1957	2-сон ички касалликлар кафедраси профессори
25	Аталиев Алберт Ервандович	13.12.1937	Хирургик касалликлар кафедраси профессори
26	Маматқулов Шуқурулло Мустафоқулович	24.12.1953	Хирургик касалликлар кафедраси доценти
27	Хайитов Илхам Баходирович	08.12.1979	Хирургик касалликлар кафедраси ассистенти
28	Турбанова Умида Валиевна	29.12.1958	2-сон акушер гинекология кафедраси ассистенти
29	Таджиева Хосият Султановна	27.12.1957	Тиббий ва биологик кимё кафедраси доценти
30	Латипова Камила Далимбековна	30.12.1985	Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти
31	Давлатова Фотима Шухратовна	31.12.1991	Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти
32	Шамирзаев Наджиолла Хабибуллаевич	04.12.1937	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси профессори
33	Абдукадирова Нодима Хабибуллаевна	26.12.1982	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси ассистенти
34	Абдукадирова Лола Кабуловна	14.12.1962	Атроф мухит гигиенаси кафедраси доценти
35	Мирсагатова Мовлуда Рихсиллаевна	24.12.1972	Атроф мухит гигиенаси кафедраси ассистенти
36	Искандарова Гузал Тулкиновна	13.12.1963	Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси муdiri, профессор
37	Садикова Масуда Тажидбаевна	10.12.1959	ТТА бош бухгалтер
38	Носирова Лайло Тулкуновна	25.12.1961	АРМ 1 д. д кутубхоначи
39	Назарова ШахнозаТалгатовна	05.12.1986	АРМ электрон кутубхоналар 2-тоифали кутубхоначи
40	Олқарова Муслима Омановна	21.12.1963	Даволаш факультетининг ўқув ишлари бўйича диспетчер
41	Юсупов Гайрат Сокижонович	03.12.1958	ТТА ўқув услубий бўлим услубчиси

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан мубракбод этади.

“Замона илмидан беҳабар халқлар ўзгалар оёғи остида поймол бўлади”.
Абдулла Авлоний, ўзбек мутафаккири.

Айни пайтда тиббиёт жадал ривожланаётган соҳалардан саналади. Кундан-кунга янги техника ва дори воситалари ишлаб чиқарилиб, аҳоли дардига дармон бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Аммо бир яхшининг бир ёмони бўлганидек, замонавий тиббиётдаги айрим кимёвий дори воситаларининг инсон организмга салбий таъсири ҳам мавжуд эканини унутмаслигимиз лозим. Шу боис тиббиёти тараккий этган мамлакатлар ҳам таботатдан кенг фойдаланади. Аммо бу йўналиш бизда оқсаётгани кўнгилмишни бироқ хира торттирарди. Ваҳоланки, биз тиббиёт илм фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар – Абулқосим аз Заҳравий, Абу Али ибн Сино, Ҳаким Юсуфийларнинг авлодларимиз.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг барча жабҳалари бўйича жаҳон андозалари даражасига чиқиб бормоқда. Яқинда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида халқ таботати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу эса, тизимни яна қайта жонланишида муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, Ўзбекистон “Халқ таботати” қўмитаси бугунгача ўз фаолиятини олиб борди, бизга ҳеч қандай тўсиқлар қўйилмаган. Аммо қонун жиҳатдан имкониятлар чекланган эди. Мазкур ҳужжат эса фаолиятимизни қўллаб-қувватлайди. Унда биз нимаки истаган, орзу қилган бўлсак ҳаммаси жамланган.

Ана энди тиббиёт олий ўқув юрталарининг “Даволаш иши”, “Педиатрия иши”, “Тиббиёт-педагогика иши” бакалаврият йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ таботати бўйича махсус ўқув цикли жорий этилади, бундан ташқари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқ таботати кафедраси ва “Халқ таботати” йўналиши бўйича малака ошириш курси фаолиятини бошлайди.

“Халқ таботати” қўмитаси кўп йиллардан бўён Хитой, Болгария, Германия, Эрон ва Россия мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Қарорда халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилибдики, бу тизимни янада кенгайтириш мақсадида мутахассислар алмашинуви, қайта тайёрлаш бўйича кенг қўламли ишлар қилинади.

Халқ таботати бўйича хизмат кўрсатувчиларнинг хизматларини илгари суриш, улар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Халқ таботати ассоциациясининг ташкил этилиши ҳам қувончли янгиликлардан бўлди. Бундан ташқари, халқ таботатида қўлланиладиган ўсимликлар, уларни парвариш қилиш ва ўстириш жойи, ўсимликлардан фойдаланиш ва бошқа зарур маълумотларни ўз ичига олган махсус база яратилади.

Халқ таботати деганда кўпчилик фақатгина доривор гиёҳларни тушунади. Ваҳоланки, илдири 8 минг йиллик мазийга бориб тақалган халқ таботатининг фитотерапия биргина жабҳаси, ҳолос. Ундан ташқари очкиш билан, балчиқ билан, турли-туман унсурлар ва металл билан даволаш, мижоз ҳақидаги тушунча, синиқ-чиқилар борасида халқ таботати амалиётлари, асалари, илон заҳарлари билан эм қилишлар борки, улар халқ таботатининг дурдоналаридан ҳисобланади. Шу билан бирга муқаддас ислом динимизнинг даволаш борасида бир қатор тавсиялари борки, улар имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал жомий ас саҳих” китобининг 4 жилдида махсус “Тиб китоби” тарзида берилиб кетилган. Улуғ шайхимиз Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг “Ҳадис ва ҳаёт” туркумидан чоп этилган бебаҳо дурдоналарнинг алоҳида жилди “Тиб ва дам” деб аталиб, замонавий медицина, халқ таботати ва илоҳий таботат борасида қимматли фикрлар келтирилган. Шу билан бирга улуғ бобоқалонимиз Абу Али ибн Сино билан бир қаторда Абу Райҳон Беруний, Тожиддин ҳаким, ҳаким Юсуфий, Абу Бакр ар Розий, Немагулла Убайдулла ўғлининг бебаҳо меросларидан кенгроқ ва батафсилроқ фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда халқ таботатининг замонавий медицина ва илоҳий таботат билан уйғунлаштириш зарурияти келиб чиққани бежиз эмас.

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси ҳам мухтарам Президентимизнинг қарорларидан руҳланган ҳолда замон билан ҳамнафас бўлишга, тарихи бир неча минг йилга бориб тақалувчи халқ таботатини замонавий медицина билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Корея Соғлиқни Сақлаш саноатни ривожлантириш институти ҳамкорлигида Академиямиз ҳудудидаги Диетология Марказида Халқ Таботати марказининг

очилиши мазкур қадамлардан бири бўлди. Марказнинг очилиш маросими 2018 йилнинг 27 ноябрида бўлиб ўтди.

Ушбу қутлуғ қадам қўйилишига бир қатор қарор ва фармонлар дастуруламал бўлди. Чунончи, 2017 йилнинг 5 майида ПҚ–2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябридаги ПҚ–4306 “Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 12 ноябридаги ПҚ–3668 “Ўзбекистон Республикасида халқ таботати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижроси юзасидан ушбу қадамлар қўйилди.

Марказни очилиш маросимида Академия ректори, профессор Л.Тўйчиевнинг кириш сўзи билан очилди. У муқаддимада бугунги кун замонавий медицинаси, ҳамда халқ таботатининг аҳоли, истиқболлари ҳақида гапириб, иккала давлат орасида кўп йиллик илмий, амалий ришталар мавжудлигини, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни янада тараккий қилдириш лозимлигини таъкидлаб ўтиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси Олий Мажлиси депутати В.Папка сўз берди. Депутат ўзaro ҳамкорликлар давлатлар орасидаги барча жабҳаларда кенг йўлга қўйилганлигини таъкидлаш билан бирга ушбу ҳамкорлигининг истиқболлари ҳусусида аниқ равшан далилларни келтирди. Кейин сўзга чиққан Корея Соғлиқни Сақлаш Саноатни ривожлантириш институти директори Ём Ёнг Квон сўзга чиқиб, Корея давлатида халқ таботати ва замонавий интеграция қай даражада йўлга қўйилганлигини намойиш материаллари билан баён қилиб берди. Навбатдаги маърузачи Корея Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Департаменти бошлиғи Пак Джон Ха бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Барча жабҳаларда, шунингдек, медицина соҳасида Кореянинг энг ишончли ва обрўли ҳамкорларидан бири эканлигини эътироф этиб ўтди. Чонг – Ён


ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИБ

клиникаси Халқ Таботати Марказининг директори Шин Эсук Чуна, Чимсул, Буханг, Тым каби Кореяда кенг тарқалган ва самарали ҳисобланган даволаш усулларининг моҳияти билан анжуман қанашиқларини таништириб ўтди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий ҳамда Ўрта махсус таълим вазирликлари вакиллари ҳам сўзга чиқиб, муаммога афроғича ёндашдилар.

Икки давлат ҳамкорлигида ташкил этилган Халқ таботати Марказининг Республика Диетология таркибида жойлашишида рамзий маъно бор. Чунки диетология – парҳезкорлик шу пайтгача асосан замонавий медицина пойдевори устига қурилган бўлиб, медицина ва таботат уйғунлашмаси фуқароларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда улкан аҳамият касб этади.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида аънавий шарқона тиббиёт йўналишида қўшма таълим дастурини яратиш, уйғунлашган таълим тадбирларини ишлаб чиқиш, Корея Республикасидан етакчи мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш ва халқ таботатини замонавий тиббиётга татбиқ этиш бўйича Биринчи илмий-амалий симпозиум ўтказилиши кўзда тутилган. Шу каби лойиҳалар инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширишга, шунингдек, хорижий соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги малакасини теран ўрганишга ва келажақда Тошкент Тиббиёт академиясининг амалий ва таълим жараёнига янги технологияларни татбиқ этишга хизмат қилади. Буларнинг барчаси келажақда тиббиёт ходимларимиз орасидан улуғ аж-долларимиз Абулқосим аз Заҳравий, Абу Али ибн Сино, Ҳаким Юсуфийларнинг муносиб авлодлари, академик В.Воҳидов, Ў.Орипов, К.Зуфаров, М.Абдуллаҳўжаева, Э.Мусабоев, С.Шамсиев, А.Сулаймоновларнинг, фан арбоблари Ш.Ҳамроев, С.Долимовларнинг илмий меросхўрлари ҳамда Халқаро Нобель мукофоти совриндорлари этишиб чиқиши учун пиллапоя бўлади.

Алижон ФАҚИРОВ,
Россия “Экология и здоровье человека” Халқаро Илмий академияси муҳбир аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди,
Кутбиддин НИЗОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълоҳисси, олий тоифали аллерголог



70 ЁШИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



Профессор Ханифа Мухсиновна ҳақида гап кетар экан, кўпчилик уларни етук олима, тажрибали раҳбар, билимдон шифокор, камтарин ва олийжаноб инсон сифатида эҳтиром билан тилга олади. Ханифа Мухсиновна ҳаёт отлиғ улкан мактабнинг сабоқларини кўн билан ўзлаштирди, умрининг ҳар лаҳзасини тиббиётимиз ривожига бахшида этди, беморлар саломатлигини асрашда ўз кучи ва билимини аямади. Шу бора улар олимлик шоҳсупасига эришдилар, эл орасида иззат ва обрў топдилар, катта ишонч қозонди.

Ханифа Мухсиновна 1948 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1966 йилда мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент Давлат Тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1972 йилда олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатган, институтда фаолият юритиш учун ишга олиб қолинган. Шу йилдан бошлаб Ханифа Мухсиновнанинг ҳаёти институт билан боғланиб, ҳозирги кунгача тиниб-тинчимасдан фаолият юритиб келмоқда. Аввал клиник ординатурага ўтади, кейинчалик ТошДавТИ неврология бўлимида ординатор бўлиб ишлади, машҳур невропатологлар академик Н.М.Мажидов, доцент Л.Восковская ва Н.Ақбароваларга шогирд тушиб, ўз малака ва тажрибасини бойитди. 1979 йилдан кафедрада ассистент лавозимида ишлади. 1982 йилда Ханифа Мухсиновна “Клиника диагностика и некоторые вопросы прогнозирования метастатических опухолей головного мозга» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади ва 1989 йилда шу кафедрада доцент бўлди. Илмий изланишларини давом эттириб, 1995 йилда “Метастатические опухоли головного мозга (клинико-иммунологические и компьютерно-томографические исследования)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва шу билан ўзининг Ўзбекистондаги илк бор илмий мактабини яратди. 1991–1999

Ўзбекистонда неврология фани ривожланишига улкан ҳисса қўшиб келаётган, неврологиянинг етук дарға сифатида бутун Марказий Осиёга танилган, академик Наби Мажидовични ўзига устоз санаган олима, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ханифа Халимова Мухсиновна бу йил 70 ёшга тўлди.

йилларда Республика неврология марказида директор ўринбосари, 1996–1999 йилларда 1-ТошДавТИ неврология кафедрасида профессорлик қилди ва 1999–2005 йилларда 1-ТошДавТИ неврология кафедрасининг кафедра мудури лавозимида фаолият юритди. Профессор Ханифа Мухсиновна кўп йиллик хизматлари эвазига ҳукуматимизнинг кўплаб мукофотлари билан тақдирланган. 1995 йилда олимга «Шуҳрат» медали тақдим этилди.

Узоқ йиллар давомида олима юртимиздаги тиббиёт институтлари, коллежлар педагоглари, жумладан профессорлар, доцентлар ва ассистентларнинг малакасини ошириш курсларига раҳбарлик қилди.

Ханифа Мухсиновна республикамиздаги энг йирик невролог олималардан бири саналади. Улар илмий фаолияти давомида кўплаб илмий асарлар, 400 дан ортиқ мақолалар, монографиялар, 40 дан ортиқ услубий қўлланмаларга муаллифлик қилди. Устоз олима раҳбарлигида 4 та докторлик (Якубова М.М., 2008 йил, Раимова М.М., 2017 йил, Матмуродов Р.Ж., 2017 йил ва Рахматуллаева Г.К., 2018 йил) ва 10 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Ханифа Мухсиновна Халимованинг яна бир илмий йўналишларидан бири цереброваскуляр касалликлар, жумладан бош мия ишемик инсультининг молекуляр-генетик жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади. Шу билан олима неврологиянинг илм соҳасида улкан бурилиш яратди, яъни ўзбек миллатида ишемик инсультларда илк бор молекуляр-генетик текширувлар тамойилларини чуқур ўрганди. Кейинчалик олима ўзининг учинчи катта бир илмий йўналишга қўл урди ва жуда катта муваффақиятларга эришди. Нейродегенератив касалликлар, жумладан Паркинсон касаллигининг молекуляр-генетик, биохимик, нейробиологик ва нейровизуалогик жиҳатларини чуқур ўрганиб, ўзининг паркинсонизмга бағишланган илмий мактабини яратди. Бу борада республикамизда 2 та грант лойиҳасига раҳбарлик қилди, 2 та докторлик ва 1 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Илмий изланишлар борасида тиниб-тинчимасдан олима ўзининг учинчи бир илмий йўналиши, яъни бош оғриқларнинг молекуляр-генетик жиҳатлари, касаллик ривожланишида бош мия қон-томирлари аномалияларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганишга бағишлади. Бу борада

яна бир докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Ханифа Мухсиновна узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда нейродегенератив касалликларни ўрганиб келди, улар раҳбарлигида ён амиотрофик склероз, тарқоқ склероз, касаллик тарқалиши, клиник кечиши, диагностикаси ва даволаш чоратadbирлари тўғрисида қатор диссертациялар ҳимоя қилинди. Ҳозирги кунга қадар устоз раҳбарлигида Паркинсон касаллигини эрта аниқлаш предикторлари, шунингдек, тарқоқ склерознинг замонавий диагностика тамойиллари чуқур ўрганилмоқда. Айниқса бутун дунё давлатларида ҳам даволаш самараси жуда кам бўлган тарқоқ склерозни янги даволаш тамойиллари тўғрисида жуда катта натижаларга эришилмоқда ва фалсафа доктори (PhD) учун диссертациялар тайёрланмоқда.

Профессор Ханифа Мухсиновнанинг илмий изланишлари чет мамлакатлар олимлари томонидан эътироф этилган, уларнинг илмий мақолалари дунёнинг барча мамлакатларида, жумладан Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия, Малайзия, Филиппин, Германия, Австрия, Греция, Италия, Швейцария, Венгрия, Франция, Руминия, Чехия, Испания, Америка Қўшма Штатлари давлатлари нашрларида чоп этилди, жуда кўплаб халқаро анжуманларда маърузалар билан иштирок этиб келдилар.

Ханифа Мухсиновна юртимизда чиқадиган “Неврология” ва “Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени” журналлари таҳрир хайъатининг аъзоси бўлиб фаолият юритиб келмоқда. Олима ажойиб шифокор бўлиш баробарида ажойиб нотик. Ёшларга ғамхўр мураббий, яна ҳам аниқроқ айтганда юзлаб неврологларнинг устози.

Ханифа Мухсиновна 2 та фарзандга она, невараларга севимли бувижон ҳисобланади.

Устозимиз Ханифа Мухсиновнани бутун Тошкент тиббиёт академияси ходимлари номидан табриклаб қоламиз. Бахтимизга соғомон бўлиб, узоқ умр кўрсинлар, неваралар ва шогирдлар камолини кўриб ириш насиб қилсин.

70 ёшингиз қутлуғ бўлсин азиз ва меҳрибон устоз Ханифа Мухсиновна!

Рустамбек МАТМУРОДОВ,
Илмий тадқиқотлар, инновациялар
ва илмий-педагогик кадрлар
тайёрлаш бўлими бошлиғи,
тиббиёт фанлари доктори

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

“Муносиб шогирдлар тайёрлаганлиги учун” номинацияси ғолибаси

Асаб касалликлари кафедраси мудури, профессор Раҳимбаева Гулнора Саттаровна 1982 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тугатиб, НИИСГПЗ МЗРУЗда врач-невропатолог бўлиб ишлади.

1988 йилда ТошДавТИ асаб касалликлари кафедрасида катта тажрибадор, кейин шу кафедрада ассистент, доцент, профессор бўлиб ишлади. 2008 йилдан ТТА асаб касалликлари кафедраси мудури, 2005 йилдан 2013 йилгача ТТАсида Илмий котиб лавозимида ишлади. У юқори профессионализм, ўз ишига масъулият билан ёндашувчи, ҳаққўй, янгиликка интилувчан шахс ҳисобланади.

Проф. Г.Раҳимбаева раҳбарлигида 3 та фан доктори (Дусчанов Ш.Б.-2012, Прохорова А.В.-2013, Азизова Р.Б.-2016) 15 та тиббиёт фанлари номзодлари (Глинянова А.В.-2000, Прохорова А.В.-2004, Санаева М.Ж.-2003, Дусчанов Ш.Б.-2003, Абдукадилова Д.Т.-2004, Абдукадилов У.Т.-2008, Хабибова В.Ш.-2005, Нурматова Ш.О.-2010, Ишанходжаева Г.Т.-2007, Хабибова Н.А.-2005, Рашидова Н.С.-2, Тўйчибаева Н.М.-2006, Толибов Д.С.-2017, Атанязов М.К.-2018, Максудова Д.А.-2018) тайёрланган. Ҳозирги кунда 4 та докторлик диссертациялари ниҳоясига етказилмоқда.

Г.Раҳимбаева 400 дан ортиқ илмий мақолалари республика миқёсида ва чет элларда, шунингдек, “Неврологияда ҳамширарлик иши” дарслиги чоп этилган, 30 дан ортиқ ўқув-методик қўлланмалари чоп этилди.

Айтиш жоизки, бу олима раҳбарлигида клиника-экспериментал текширувларга алоҳида эътибор кўрсатилиб, бош мия инсультлари, метаболик энцефалопатиялар, менингеэнцефалитлар, катталар ва болаларда марказий нерв системасининг посттравматик зарарланишларида морфологик ва биохимик ўзгаришлар аниқланиб, олинган натижалар асосида медикаментоз даво чоралар ишлаб чиқарилган. Айни вақтда олима Алцгеймер касаллиги, Паркинсон касаллиги, тарқоқ склероз каби нейродегенератив касалликлар устида илмий ишлар олиб бормоқда.

Юқорида кўрсатилган илмий текширувлар натижалари бир неча маротаба халқаро конгресслар, симпозиумлар, съездлар ва конференцияларда баён этилган. Жумладан: Франция, АҚШ, Англия, Швеция, Финляндия, Австрия, Белгия, Швейцария, Греция, Туркия, Германия, Италия, Япония ва бошқалар.

Г.Раҳимбаева раҳбарлигида 3 та халқаро таълим курси Ўзбекистонда ўтказилди (2015, 2016, 2017). Ушбу таълим курсларида дунёнинг йирик олимлари Ttong M.D. (Паркинсон ва бошқа ҳаракат бузилишлари жамиятининг президенти (IAPRD), Калифорния,

АКШ), Valeria Caso (ESO президенти Италия Рим), Wolters E. (Паркинсон ва бошқа ҳаракат бузилишлари жамиятининг вице-президенти (IAPRD) Амстердам Голландия), Dirk Dressler (Мушак дистонияси Европа жамиятининг президенти Ганновер Германия), Konstanta Paul (IAAP президенти, Порто Португалия), Gouider R. (WFN раҳбарияти аъзоси PAANS президенти Тунис), Gabryelewicz Tomasz (Польша психоневрологлар ассоциацияси президенти), Pukitis Aldis (Латвия университети кафедра мудури), Andreas Puschmann (Лунд университети олими, MEFOPA аъзоси, неврология кафедраси мудури), Antanas Vaitkus (Каунас университети неврология маркази раҳбари, кафедра мудури Литва), Александров Алексей (Белорусия, профессор, Беларусия Республикаси бош психотерапевти), Thomas Muller Германия Неврологик госпитали раҳбари (Ruhr University of Bochum, Германия). WFN томонидан ТТА кутубхонасига ТТА неврологлар ва Ўзбекистон неврологлариغا 500 та нусхада “Parkinson disease and other movement disorders” номли китоби совға қилинди.

Г.Раҳимбаева томонида қуйидаги мастер-класслар ўтказилди: Prof. Natan M.Bornstein (ESO вице-президенти, Исроил неврологлар ассоциацияси раҳбари) “Motor deficits-their consequences and rehabilitation” 2017 й., Antanas Vaitkus “Инсульт и иммунная система. Стандарты лекарственной терапии” муаммоли маъруза 2017 й., Халқаро мастер-класс проф. Даирбаева Л. «Аёлларда эпилепсия муаммолари» 2018 йил. Қазақстан, Prof.Ramdas (Ҳиндистон) 2018 й., «Инсульт ўзказган беморлар реабилитацияси» га бағишланган мастер-класс; Проф. Захаров В.В.(Сеченов номли Россия медицина университети кафедраси мудури) «Бош мия қон томир касалликларида когнитив бузилишлар диагностикаси ва даволаш усуллари» 2018 й., Путилина Мария Викторовна (Пирогов номидаги медицина университети неврология кафедраси профессори) «ХИМ и системные васкулиты» 2018.

Профессор Г.Раҳимбаева қўл остида ўқитишнинг 2 босқичли жараёни – бакалаврият ва магистратура талабаларига неврология, тиббий психология ва тиббий генетика фанлари бўйича таълим бериб келмоқда. ТТА «асаб касалликлари» кафедрасида клиник ординатура йўналиши бўйича невролог ва тиббий психолог мутахассислари тайёрланмоқда.

Профессор Г.Раҳимбаева «Разработка



метода дифференцированной терапии и профилактики при различных видах катамениальной эпилепсии у женщин фертильного возраста» № ПЗ20170923149 контракта бўйича илмий грант раҳбари.

Устозимиз кўрсатган хизматлари муносиб баҳолаиб 2016 йилда ССВ томонидан «Тиббиёт аълочилиси» кўрак нишони ва дипломи билан тақдирланди.

Г.Раҳимбаева Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2018 йилда “Йилнинг энг яхши шифокори” кўриктанловининг “Муносиб шогирдлар тайёрлагани учун” номинацияси ғолиби бўлди.

Г.Раҳимбаева шакланган олима, т.ф.д., профессор, мураббий, ташкилотчи ва замон талабига жавоб бера оладиган илмий изланишлар муаллифи. ТВМОИ қошидаги “Асаб касалликлари ва психиатрия” мутахассислиги бўйича Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси ҳисобланади. “Неврология”, “Здоровье Узбекистана”, “Neurology and neurological disorders” халқаро журналлари редакцияси коллегиясининг аъзоси, Ўзбекистон неврологлар Ассоциацияси раиси ўринбосари, Халқаро эпилепсияга қарши курашиш Лигасининг (ILAE) Ўзбекистон бўлим вице-президенти, EAN Халқаро Европа Неврологлар Академиясининг ва WSO “Халқаро Инсультга қарши кураш” жамияти аъзоси, халқаро IAPRD (Паркинсон касаллиги ва ҳаракат бузулишлари жамиятининг илмий қўмитаси раҳбари ва XVII-XVIII илмий конгрессларининг ташкилотчиси).

